Инсонлардаги барча аъзолар учун қуёш чиқадиган ҳар бир кунда садақа бор

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Инсонлардаги барча бўғинлар учун қуёш чиқадиган ҳар бир кунда садақа мавжуд: Икки киши ўртасида адолат қилишинг – садақа. Бировнинг уловга минишига ёрдам бериб, уни чиқариб қўйишинг ёки нарсасини олиб беришинг – садақа. Яхши сўз – садақа. Йўлдан азиятли нарсани олиб ташлашинг ҳам – садақадир».

[Саҳиҳ] [Бухорий ва Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир балоғатга етган, ақли тўла мусулмоннинг ҳар куни ўз танасидаги ҳар бир бўғим сонига яраша садақа беришини баён қилдилар. Бу садақа Аллоҳ таолога соғлик ва саломатлик неъматлари учун шукр ифода қилиш мақсадида ихтиёрий қилинади. Чунки Аллоҳ таоло инсоннинг суякларини бўғимли қилиб, улар орқали ушлаш ва очиш-ёпиш ҳаракатларини қилиш имкониятини берди. Ушбу садақа мол-мулк бериш билангина эмас, балки, барча яхшилик ишлари орқали ҳам адо этилади. Масалан: — Икки кишини яраштириб, улар орасида адолат қилиб беришингиз садақа. — Ожиз одамга ёрдам бериб, уни ҳайвонига миндириш ёки юкини кўтариб бериши ҳам садақа. — Яхши сўз айтиш — зикр, дуо, салом ва шу кабилар ҳам садақа. — Намозга ташлаб борган ҳар бир қадамингиз садақа. — Йўлда одамларга озор бериши мумкин бўлган нарсани олиб ташлашингиз ҳам садақа.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/66527